16 02 95



• *Долзарб мавзу*

# ОРИЯТЛИ ДЕҲҚОН ТАЙЁР ҲОСИЛНИ ҲАШАРОТГА ЕДИРИБ ҚЎЯДИМИ?

***ШРЕДЕР номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида «1994 йилда қишлоқ хўжалик экинларини зараркунанда ҳашаротлар, турли касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш ишларининг якунлари ва 1995 йилда бу соҳада қўлланилиши зарур бўлган чора-тадбирлар» мавзусида машғулот-кенгаш бўлиб ўтди***

РЕСПУБЛИКА қишлоқ хўжалик вазири Расулмат Ҳусанов машғулот-кенгашни очар экан қизиқ бир гапни айтди: «Биз, жумладан, шу залда ўтирганларнинг кўпчилиги Европа мамлакатларига хизмат сафарига борганимизда, дўконларга кириб, пештахталарнинг хилма-хил, йирик, тиниқ ва сарҳил ноз-неъматлар билан тўлиб-тошиб ётганини кўриб, оғзимизни очиб қоламиз. Қайтиб келганимиздан сўнг таассуротларимизни оғиз кўпиртириб ҳикоя қиламиз-у, аммо ўшалардай ишлаб, ўшалардай яшашга интилмаймиз, ҳаловатимизни бузгимиз келмайди. Боқимандалик онгимизга шу қадар чуқур сингиб кетганки, «ишладингми, ишладинг» қабилида жон койитмай юраверамиз. Ўйламаймизки, ўша кўзни олгувчи сарҳил мевалар Европа мамлакатларининг ўзида етиштирилмагандир ахир. Улар жанубий иссиқ ўлкаларда пишиб етилган ноз-неъматлар-ку...»

Вазирнинг ачиниши, куйинишича бор. Нима учун биз Ўзбекистоннинг жаҳонда тенгсиз сарҳил ноз-неъматларини ўша мамлакатларга етказиб боролмаймиз? Бунга нима ҳалал бераяпти? Бунинг асосий сабаби онгсизлик, ўзибўларчилик, ялқовлик, масъулиятсизлик, буларнинг ҳаммасини жамлаб айтадиган бўлсак, ҳанузгача боқимандалик касалидан ҳалос бўла олмаётганимиздир. Вилояту туман, хўжалигу дала оралаб «нега сен ғўзангни суғормадинг?», «нега сен боғингга шакл бермадинг?», «нега сен сабзавотингни бегона ўтлардан тозаламадинг?» дея танбеҳ бериб, дўқ-пўписа қилиб юрадиган пайтлар аллақачон ўтиб кетганлигини тушуниб етишимиз қийин бўлаяпти ёки буни атайлаб истамаяпмиз.

Қайси мамлакат хорижга кўп ва хилма-хил маҳсулот чиқармас экан, яъни жаҳон бозорида ўзининг салмоқли ва мустаҳкам ўрнига эга бўлмас экан, у ҳеч қачон бойимайди, бири икки бўлмай юраверади, халқининг турмуш даражаси ҳам шунга яраша бўлади. Юртбошимизнинг «Ўзинглар айтинглар, ҳозир биз четга пахта билан қоракўлдан бошқа яна қандай арзигулик маҳсулот чиқараяпмиз?» дея куйиниб гапириши бежиз эмас. Ахир Ўзбекистонда исталган хорижий юрт кишиларининг кўзини ўйнатадиган сифатли ноз-неъматлар етиштириш учун ҳамма табиий шарт-шароитлар муҳайё-ку. Аллоҳнинг ўзи бу борада бизни ярлақаб қўйган. Фақат Яратганнинг ана шу марҳаматидан эплаб фойдалана билсак бас.

Серқуёш ўлкамизда пишиб етилган меваю узумлардан тайёрланадиган виноларнинг хорижий юртлардаги нуфузи таърифга муҳтож эмас. Машғулот-кенгашда таъкидланишига қараганда, АҚШ, Франция, Германиядек ривожланган мамлакатларга юборилган виноларимизнинг сифати жуда юқори баҳоланибди. Фақат биргина эътироз шу бўптики, вино идишлари дид билан безатилмаган экан. Ҳа, «Онангни отангга бепардоз кўрсатма» деганларидек, тайёр маҳсулотни ҳам харидорга яхшилаб ўраб-безаб кўрсатишга баъзан уқувимиз етмайди.

Аммо адолат юзасидан шуни ҳам айтиш керакки, табиий-иқлим шароитимиз деҳқончилик учун қанчалик қулай бўлса, зараркунанда хашаротлар ва касалликларнинг кенг ва кўп тарқалиши учун ҳам шунчалик мосдир. Олимларнинг айтишларича, фақат ғўзанинг 300 дан зиёд хашарот-кушандаси бор, 20 хилдан ортиқ касаллик мавжуд. Қарангки, Россияда асосан бир марта тухим қўйиши мумкин бўлган колорадо қўнғизи бизнинг шароитда 4 марта болалашга улгурар экан.

Хуллас, қишлоқ хўжалик экинлари ана шу зараркунанда ҳашароту касалликлардан вақтида ҳимоя қилинмаса, 200-300 минг тонна пахта толаси, 150-170 минг тонна дон, 200 минг тонна шоли, 280-300 минг тонна сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 70-80 минг тонна картошка, 80-90 минг тонна мева, 100-120 минг тонна узум ҳосили йўқотилар экан. Мана, ўзингиз ҳисоблаб кўринг: хашароту касалликларга қарши дориларни вақтида оқилона ишлатсак, шунча ҳосилни сақлаб қолишдан ташқари, бу тадбирларга сарфланган ҳар сўмимиз сабзавотчиликда 5-6 сўм, пахтачиликда 10-11 сўм, боғдорчиликда 13-14 сўм, картошкачиликда 16 сўм, узумчиликда 22 сўм бўлиб қайтиб келаркан. Ахир бу ҳам давлат бюджетига, ҳам деҳқону боғбон ва соҳибкорнинг рўзғорига барака эмасми?

Хўш, жойларда раҳбару мутахассислар, оддий меҳнаткашлар шуни ҳисобга олиб иш юритишяптими?

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилиб, мулкка эгалик шакллари ўзгариб бораётган ҳозирги шароитда ҳосилни ҳимоя қилиш ишлари тартибга тушиш ўрнига, кейинги икки-уч йилда бирмунча бўшашгани кузатилмоқда, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу муҳим иш ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда. Чунончи, 1994 йилда фитаномус, чигиртка, трипс, шира, ўргимчаккана, кўсак қурти, колорадо қўнғизи, олма қурти, оққанот каби хашаротлар, гоммоз, илдизчириш, уншудринг, монилиоз сингари касалликлар ҳуружи оқибатида ҳосилга жиддий зарар етди.

Одатда, зараркунанда хашорат ва касалликлар пайдо бўла бошлаганини вақтида аниқлаш мақсадида 150-200 гектар майдонга бир кузатувчи бириктириб қўйилиши керак. Лекин раҳбарлар ҳам, мутахассислар ҳам бу қоидага эътибор бермай қўйишди, баъзи жойларда эса хўжакўрсинга шундай қилинаяпти.

Қўл учида қилинган ишнинг нафидан кўра ташвиши кўп бўлади. Масалан, ўргимчаккана обдон тарқалиб, катта-катта майдонлардаги ғўза барглари қизариб бўлганидан сўнг югур-югур бошланади. Кўсак қурти хуружга миниб, мурғак кўсакларнинг асосий қисмини илма-тешик қилиб улгурганидан кейингина дори сепишга киришилади. Маълумки, шира хашароти ғўзанинг юқори яъни ўсиш қисмига ёпишиб, «тинкасини қуритади». Оқибатда, ғўза шоҳлаб (айри бўлиб) ўсиб, бошқатдан ҳосил тугишга киришади ва у пишиб етилгунча, камида 10-15 кун ютқазилади. Хуллас, зараркунанда ҳашаротларнинг кенг майдонларга тарқалиши сабабли ҳар йили кам деганда 30 фоиз ҳосил йўқотилмоқда. Ҳолбуки, ҳар бир туман ва хўжаликда ойлик маош олиб ишлаётган энтомологлар бор. Уларнинг вазифаси хашарот ва касаллик тарқалмасдан бурун бу хавфнинг олдини олишдан иборатдир. Бунинг ўрнига Олтинкўл туманидаги «Шаҳрихон» жамоа хўжалигида ўргимчаккана кенг тарқалган майдонларда ғўзанинг қизарган баргларини қўлда териб, дала четларига олиб чиқиб кўмиш билан машғул бўлдилар. Марҳамат туманидаги Қорабоев номли, «Машъал», «Истиқлол», Олтинкўл туманидаги «Коммуна», Шаҳрихон туманидаги «Шаҳрихон» жамоа хўжаликларида ўргимчакканага қарши ИСО дориси эритмасини супургида сепишгача бориб етдилар. Худди шу пайтда «Ўзқишлоққимё» вилоят бирлашмалари раҳбарлари республика ташкилотларига дори сўраб мурожаат қилиш билан ўралашиб қолиб, бор дорилардан самарали фойдаланиш устидан назорат ўрнатишга «вақтлари бўлмайди».

Кўпгина вилоятларда пахта майдонлари ғўзапоядан тозаланмай ҳайдалди. Демак, ҳафсаласизлик оқибатида зарарли хашаротларнинг қишдан соғ-омон чиқиши учун табиий қулай шароит яратиб берилди. Ҳамонки, далаларни ғўзапоядан тўла тозалашнинг имкони йўқ экан, майдалаб ҳайдаш керак эди. Мана энди ҳайдаш чоғида бир қисмигина кўмилган ғўзапоялар сафга тизилган аскарлардек, ер бетини қоплаб турибди. Ҳадемай, ерларни экишга тайёрлашга киришилганда улар ҳалақит бериб, қўлни ушлайди, ортиқча меҳнат талаб этади.

Бугунги кунда чигитни албатта дорилаб экиш кераклигини тушунтириб ўтириш кулгили ҳолдир. Аммо, начора, кулгили бўлса ҳам шундай қилишга тўғри келаяпти. Чунки, ўтган мавсумда республика миқёсида 20 минг тонна чигит дориланмай экиб юборилди. 30 минг тонна ўрнига бор-йўғи 4,7 минг тонна чигитга термик усулда ишлов берилди, холос.

Тўғри, экиш олдидан чигитга кимёвий ишлов беришда қўлланиладиган дорилар ҳозирча, ўзимизда йўқ, четдан олиб келинади. Аммо узоғи билан икки йилдан сўнг шундай дориларни ўзимизда тайёрлаб, эҳтиёжни қондириш имкони бор. Бу — ўша ёруғ кунларни қўл қовиштириб кутиш керак дегани эмас ахир, бор имкониятлардан оқилона фойдаланмоқ лозим.

Республикамиз шароитида боғ ва токзорлардан мўл ҳамда сарҳил ҳосил олиш учун зараркунанда ҳашарот ва касалликларга қарши 3-4 марта кимёвий ишлов бериш керак бўлади. Ўтган йилги мавсумда эса ҳосилга кирган 103,5 минг гектар боғга атиги бир марта, 100,4 минг гектар токзорга эса 1-2 марта дори сепилди, холос. Сабзавот ва картошка ҳосилини ҳимоя қилишга ҳам худди шундай муносабатда бўлинди. Буни изоҳлаш учун Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, академик Маҳмуд Мирзаевнинг машғулот-кенгашда баён этган фикр-мулоҳазаларини келтириш ўринлидир:

«1990 йилда ҳосилга кирган боғлардан қарийб 47 центнердан мева, токзорлардан 76 центнердан узум олинган эди. Ўтган мавсумда мева 36 центнерга, узум 30 центнерга тушиб қолди. Бунинг асосий сабаби — касаллик авж олаяпти, ҳосил ҳашаротга ем бўлаяпти. Оқибатда маҳсулотнинг сифати ҳам пасайиб кетиб, арзимаган нарҳларда сотилаяпти. Унутмайликки, маҳсулотни арзон сотган одамнинг топганида барака бўлмайди, ҳамёни ҳеч қачон тўлмайди.

Яхшилаб ўйлаб кўрайлик, — боғдорчилик қачон зарар келтирадиган соҳа бўлган? Ахир ота-боболаримизни бой-бадавлат қилган тартибли боғ-роғлару токзорлар эмасми? Ҳа, боғларимизга яхши қарамай қўйдик. Соҳибкорона ишлаш ўрнига ялқовлик қиламиз, ҳосил кушандалари бўлмиш ҳашарот ва касалликларга қарши курашишга эринамиз.

Республикадаги аксарият боғларда кўчат 20-25 фоиз сийрак. Аммо бу на бирор раҳбар ва мутахассисни, на бирор боғбонни ташвишлантирмайди, кўчатларни бутлаш ҳақида қайғурадиган одамнинг ўзи йўқ. Ваҳоланки, 30-40 фоиз кўчат қуриб қолган боғларга ҳам ўғит солинади, дори сепилади, суғорилади, техника билан ишлов берилади, хуллас меҳнат сарфланади. Буларнинг ҳаммаси пул-ку, ахир!

Нафақат баҳилнинг, балки ақл-идрок билан, инсофу эътиқод билан иш тутмайдиган боғбоннинг ҳам боғи кўкармайди. Бундан буён давлатдан умидвор бўлиш, таъма қилиш яъни боқимандалик ношудларнинг ишидир. Энди ким қандай ишласа, ўшандай яшайди. Раҳбарлар эса бу ҳаётий ҳақиқатни аввало ўзлари аниқ-тиниқ тушиниб олмоқлари ва ҳар бир меҳнаткашнинг онгига сингдирмоқлари, ҳамма соҳада ишни давр талаби даражасида ташкил эта билмоқлари лозим».

Умуман, машғулот-кенгашда боғдорчилик ва узумчилик соҳасида кўп йиллардан бери давом этиб келаётган иллатлар, жиддий хатолар хусусида фойдали фикр-мулоҳазалар, таклифлар айтилди. Чунончи, интенсив боғдорчиликка ўтиш ҳақида кўп гапирилди-ю, аммо гапдан амалий ишга ўтилмади. Ҳолбуки, интенсив боғлардан 180 центнерга етказиб ҳосил олинган эди.

— Кўчатни олиб келиб экиб қўйган билан боғ бунёд бўлиб қолмайди,— деди «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси раисининг биринчи муовини Р. Раҳматиллаев.— Қаранг, кўчат олиб кетгани жойлардан агроном ўрнига экспедитор келади. У меванинг навини ва кўчатнинг сифатини тушунмаслиги устига, хўжаликка етказиб бериб то экилгунча, илдизини ҳам қуритиб бўлади.

Тўғри, гап, эътиборсизлик, лоқайдлик шу даражагача етиб борган хўжаликлар оз эмас. Боғга йиллаб қадам босмайдиган раҳбар ва мутахассислар ҳам бор. Кўпгина хўжаликларда 1000 гектар боғга 3-4 тагина пуркагич тўғри келади. Шу боис хашарот ва касалликларга қарши дори сепиш бир ярим, икки ойга чўзилиб кетади. Бу билан хашаротни йўқотиб бўлармиди.

Бир пайтлар қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши биологик усулда курашни кенг ёйишга фаол киришилганди, биолабораториялар ҳам анча кўпайиб қолганди. Аммо бу ҳайрли иш кампаниябозликдан нарига ўтмай, кейинги йилларда сусайиб кетди. Чунки, биолабораториялар учун мослашмаган бинолар ажратилади, 70 фоизи газлаштирилмагани сабабли куз, қиш ва эрта баҳорда фойдали хашаротларни сақлаш, кўпайтириш учун шароит бўлмайди. Шу боис Андижон, Тошкент, Наманган, Самарқанд каби қатор вилоятларда зараркунандаларга қарши биологик усулдан кўра кўпроқ кимёвий заҳарли дорилар сепилаяпти. Масалан, ўтган йили Андижон вилояти хўжаликларида 93 тонна омайт, 59 тонна неарон, 4280 тонна олтингугурт кукуни ва бошқа заҳарли дорилар ишлатилди. Оқибатда пахтанинг таннархи бошқа вилоятлардагига нисбатан анча ошиб кетди.

Самарқанд ва навоий вилоятларида хашаротларга қарши биологик усулда курашиш имкониятларидан 39-48 фоиз фойдаланилди. Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд биолабораториядан 11 таси, Андижонда 9, Қашқадарёда 8, Сурхондарёда 16, Сирдарёда 11, Тошкентда 17, Хоразмда 18 таси умуман ишламади. Бунинг сабаби суриштирилса, айрим раҳбарлар «фойдали ҳашаротларни етиштириш ва кўпайтириш учун керак бўладиган шакар тақчил бўлиб қолди» дея ўзларини оқламоқчи бўладилар. Ҳозир деярли ҳамма вилоятларда қанд лавлаги экилади. Бундан ташқари ҳар йили юзлаб тонна қовун-тарвуз чириб, нобуд бўлади. Ваҳоланки, ўша қовун-тарвузлар қайта ишланиб, шинни тайёрланса, биолабораториялар учун керак бўладиган шакар ўрнини қоплайди.

— Биз биолабораторияларда ғўза зараркунандаларига қарши фойдали хашаротларни етиштириб, кўпайтирамиз-у, аммо боғ ва токзорларда биологик усулни қўллаш мақсадида махсус лабораториялар очмаймиз,— дейди Тошкент давлат қишлоқ хўжалик университети лабараторияси мудири Х. Мирзаалиева.— Ҳолбуки, биргина олма қуртига қирон келтирадиган 120 хил фойдали хашарот бор. Наҳотки, уларнинг бирортасини лаборатория шароитида кўпайтириш мумкин бўлмаса? Мумкин, албатта, фақат ҳафсала керак.

Такрор бўлса ҳам айтиш керакки, кимёвий дорилар жуда қиммат, биологик усул эса жуда арзон. Шу боис қимматли вақтни бой бермай, бугунданоқ мавжуд биолабораторияларни кўздан кечириш, аҳволни аниқлаш, керакли ёрдамни кўрсатиб, тезда ишга тушириш чораларини кўрмоқ зарур. Олим ва мутахассислар деҳқон ва соҳибкорларнинг мушкулини енгиллаштириб, бу йил қанча майдонда зараркунанда хашарот ва касалликлар тарқалиши мумкинлигини олдиндан атиб бердилар. Уларнинг кафолат беришларига қараганда, кузги тунлам 380 минг гектар, ғўза тунлами ва кўсак қурти 500-700 минг, ўргимчаккана 700 минг, шира ва трипс 400-450 минг гектар майдонда тарқалиш эҳтимоли бор экан. 260-270 минг гектар боғ ва токзорда турли хашарот ва касаллик, 100-110 минг гектар сабзавот ва картошка майдонида колорадо қўнғизи, 380-400 минг гектар майдонда очофат чигирткалар тарқалиши кутилади. Демак, «Ўзагрокимёсервис» уюшмаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари ҳамма хўжаликларни, айниқса, хашарот ва касаллик кўп тарқалиши эҳтимоли бўлган жамоаларни чигит ва уруғлик ғаллага ишлов бериш учун керак бўладиган дорилар, хашаротларга қарши қўлланиладиган пестицид, бегона ўтга қарши сепиладиган гербицид, боғ ва токзорлар ҳамда бошқа экинларнинг касалликларига қарши ишлатиладиган фунгицидларни ўз вақтида етказиб бериши керак. Деҳқон, боғбон ва соҳибкорлар эса ўтган йилларнинг аччиқ сабоғидан ҳамда бўлиб ўтган машғулот-кенгаш якунларидан тегишли хулоса чиқариб, ўз вазифаларини обитобида бажаришлари лозим. Ана шунда даладаги ҳосил хирмонига кўчгач, чўғи пасаймайди, бинобарин, тер тўкиб ишлаганлар доғда қолмайдилар.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.**



«Хитой» жамоа-ширкат хўжалиги Муборак туманидаги илғор хўжаликлардан. Ўтган йили «оқ олтин»дан мўл ҳосил олган жамоа аъзолари пахтадан бўшаган 1040 гектар майдонга арпа ва буғдой сепишганди. Шундан 150 гектари ғўзапояси ўрилмаган майдонга экилди. Янги усул ғалла суғоришни осонлаштиради ва кучли шамолда майсаларни йиқилишдан сақлаб қолади.

СУРАТДА: оилавий звено бошлиғи Раҳмиддин Қодиров.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

• *Касаба ташкилотларида*

# ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

***Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иш жойларининг қисқариш тамойили табиий. Кейинги ўн ой ичида Тошкент вилояти саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам кўпгина иш жойлари қисқарди.***

Ҳокимликлар билан вилоят ва туман касаба ташкилотлари ўртасида тузилган битимлар, ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Бандлик» дастури амалга оширилиши бундай нохушликларнинг бартараф этилишига имкон туғдирмоқда. Янги иш жойлари очиш, бошқа касбларга ўқитиш тобора кенг тус олиб бораётир. Чунончи, кейинги икки йилда 13 минг 850 та янги иш жойлари ташкил этилди. Бошқа касбларга ўқитиш деярли уч баробар кўпайди. Шу мақсадларга 12 миллион 650 минг сўмга яқин маблағ сарфланди.

**Ж. ҚОСИМОВ.**

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### ҚАЙТАРИБ БЕРАРМИКИН...

***Мисрда чиқадиган «Ал-Аҳрам» газетасининг хабар беришича, Фаластин миллий маъмурияти Исроил ҳукуматининг террорчиликка йўл қўймаслик учун Фаластин ва Исроилни ажратиш ҳақидаги таклифини шартли равишда қабул қилган.***

Фаластин миллий маъмуриятининг раҳбари Ёсир Арафот бундай бўлинишга қарши эмаслигини, лекин бунинг учун Исроил барча босиб олинган Фаластин ҳудудларини қайтиб бериши лозимлигини айтган.

### КИМГА ХАЙРЛИ, КИМГА...

***1995 йил Вьетнам иқтисодиёти учун хайрли йил бўлиши мумкин экан. Мамлакат давлат банкининг директори Као Ши Кием журналистлар билан суҳбатда шу ҳақда гапирди.***

Унинг сўзларига қараганда, жорий йилда мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръати энг камида 9 фоизни ташкил этади. Пулнинг қадрсизланиши эса 10 фоиздан ҳам ошмайди. 1994 йил Вьетнамда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 17 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган эди.

### ЛАТВИЯЛИКЛАР СТРАСБУРГДА

***Латвия Республикаси ҳукумати бошлиғи Марис Гайлис бошчилигидаги делегация Страсбургга келди.***

Улар бу ерда Латвияни Европа иттифоқига қабул қилиш муносабати билан бўладиган тантанали маросимда иштирок этадилар. Шунингдек, Латвия делегацияси инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясига ҳам имзо қўяди.

### БУ ХИЛ МАЖБУРИЯТДАН ОЗОД ЭТИЛГАНИГА ҚАРАМАЙ

***Япония авиакомпанияси «Жал»нинг Москва банкларидаги ҳисоб рақамлари ёпиб қўйилди.***

Россия ҳукумати ушбу Япония фирмасидан даромади ва мамлакат ҳудудидаги фаолияти ҳақида маълумот бериб туришни талаб қилмоқда. Ўз навбатида «Жал» авиакомпанияси бундай ахборотлар бермаслик ҳуқуқини қўлга киритиш ниятида қатъий турибди. Фирма вакилининг айтишича, «Жал» икки томонлама имзоланган шартномалар ва халқаро тажриба бўйича ҳам бу хил мажбуриятдан озод этилган.

### СИЁСИЙ ТУС БЕРИЛДИ

***Россия Федерациясининг Тула вилоятидаги «Западная», «Подмосковная» ва «Майская» шахталарининг бир кунлик огоҳлантирувчи иш ташлашда қатнашган кончилари сиёсий шартлар билан чиқди.***

Улар ҳукуматнинг истеъфо беришини ва Президент сайловини муддатидан аввал ўтказишни талаб қилдилар. Вилоятдаги қолган кончилар эса фақат иқтисодий шартлар билан чегараланди.

### ҚОР ОДАМЛАРНИ ТАШВИШЛАНТИРИБ ҚЎЙДИ

***Ўтган ҳафта давомида Тожикистоннинг Помир ҳудудида қор жуда қалин ёғди.***

Хорог об-ҳаво станцияси ходимларининг таъкидлашича, кунлик ёғин-сочин одатдаги меъёрдан бир неча баравар ошиб кетган ва бу яна давом этиши мумкин. Табиатнинг бу инжиқлиги тоғликларда жиддий ташвиш туғдирмоқда. Аҳоли турар жойлари орасидаги алоқалар бутунлай узилиб қолиши ҳам мумкин.

### ҲАММАСИ ТИРИКЧИЛИККА БОҒЛИҚ

***Германиядаги бўш вақтларни мазмунли ўтказиш муаммоси билан шуғулланадиган Гамбург институти яқинда аҳолининг спортга бўлган қизиқишини ўрганиб чиқди.***

Институт раҳбари Хорск Опашовски сўров натижаларини таҳлил қилгач, Германия «спортдан чиқиб кетмоқда» деди. Унинг сўзларига қараганда, касби ва ёшидан қатъий назар Германия аҳолиси спорт билан тобора камроқ шуғулланмоқда.

### ИНКОР ЭТИЛДИ

***Греция қадимшунослари расмий делегацияси Мисрда буюк саркарда Искандар Зулқарнайннинг қабри топилгани ҳақидаги хабарни инкор этди.***

Грек қадимшуноси Лиана Сувлажи яқинда Қоҳирадан 750 километр узоқликдаги Сива водийсида машҳур жаҳонгирнинг қабрини қазиб топганини эълон қилган эди.

### ШАРТНОМА БУЗИЛДИ

***Филиппин Президенти Фидел Рамос ХХРни Жанубий Хитой денгизидаги мунозарага сабаб бўлаётган Спратли архипелаги юзасидан қабул қилинган халқаро шартномани бузганликда айблади.***

РАТА-ТАСС мухбирининг Манелиядан хабар қилишича, мамлакат раҳбари Хитойнинг бу тумандаги ҳаракатларини 1992 йилда қабул қилинган Асеан баённомаси руҳига мутлақо зид эканини айтган.

### ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

***Бразилиянинг Мату-Гроссу штатида рўй берган сув тошқини 35 минг кишини бошпанасиз қолдирди.***

Куяба дарёси суви тошиши натижасида штат пойтахтида ва яна уч йирик шаҳарда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Қарийб ярми сув остида қолган Сан-Паулу шаҳрида ҳам вазият мураккаблигича қолмоқда. Чоршанба куни ўпирилишлар ва сув оқизиши натижасида 35 киши ҳалок бўлди. 13 мингдан зиёд уй-жой сувга ғарқ бўлди.

